



XALQ DEPUTATLARI URGANCH TUMANI KENGASHINING Q A R O R I

2022 - yil «31» - oktabr

VI-67-151-12-173-K/22

Urganch tuman hokimligi

Урганч туманида 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан маблағ ажратиш тўғрисида

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш таклифи атрофлича муҳокама қилиниб, Халқ депутатлари Урганч туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409 Қарорига мувофиқ, жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун Урганч туман ҳокимлиги қошида яратилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га **5 млрд. 300 млн. сўм** маблағлар йўналтирилди.

Жорий йилнинг июл-август ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган тадбирларга маблағларни йўналтириш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг ҳисоботини атрофлича муҳокама қилиб ушбу ғолиб бўлган таклифларга **иловага** мувофиқ белгиланган тартибда маблағлар ажратилсин.

Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Р.Сабиров) ҳамда туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Ш.Абдуллаев билан биргаликда Урганч туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” дан

тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда маблағлар ажратилишини таъминласинлар.

Туман ғазначилик бўлинмаси (К.Усмонов) ажратилган маблағларни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағларни бюртмачи ташкилот раҳбарлари мақсадли сарфланишини таъминласинлар.

Туман хокимининг ўринбосари А.Хужаев қурилиш, таъмирлаш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бажарилишини таъминласин.

Туман хокимининг ўринбосари О.Собуровга:

Иловадаги манзилли рўйхатда номлари кўрсатилган ижтимоий соҳа ташкилотларига ажратилаётган маблағларни тўғри ишлатилишини қатий назорат қилсин.

Туман хокимлигининг матбуот котиби А.Аннахасанов энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган таклифлар бўйича амалга оширилган тадбирларни расмий веб-сайт ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бошишни таъминласин.

Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи А.Наврузов ҳамда маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси М.Машарипов зиммасига юклансин.

Урганч туман ҳокими



Ф.Шарипов

Xalq deputatlari Urganch tuman Kengashining
2022 yil 31 oktabrdagi
VI-67-151-12-173-K/22-son qaroriga
1-ilova

Урганч туман бўйича 2022 йилнинг 2-ярми ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган аммо ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда маблағ ажратиш бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Ғолиб таклиф маълумотлари				Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда)	Ҳақиқатда ажратилган* (минг сўмда)	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот	Қўшимча ҳужжатлар	Тури
	Таклиф ID рақами	Манзили ва номи	Қисқача мазмуни	Тўплаган овозлари сони						
"Фукаролар ташаббуси жамғармаси"да шакилланган маблағ‘						5 300 000,0	x	x	x	x
1	1590600003	"Араблар"	Урганч тумани Араблар маҳалласи Ўзбекистон шох кўчаси умумий узунлиги 2700 м ни ташкил қилиши, ҳозирги кунда йўлнинг 2500 метр қисми яроқсиз ҳолатга келгани, шу яроқсиз қисмининг 1300 метр қисмини янги асфальт қилиш, маҳалланинг марказий кўчаси ҳисобланиши, доимий ҳаракат ушбу кўча орқали амалга оширилиши	5216	800 000,0	800 000,0	ФТЖ	Урганч туман ободонлаштириш бошқармаси	лойиха-смета ҳужжатлари	
2	1590600168	"Ҳамид Олимжон"	Урганч тумани 18-сонли умумий ўрта таълим мактабидан таклиф. 1.Мактабнинг теварак атрофини қолган қисмини девор билан ўраш. 2.Мактаб теварак атрофини бетон қилиш. 3. Мактабнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича ташкил қилинган сув ҳавзасини мукаммал таъмирлаш. 4.Қуёш батареяларини ўрнатиш ва сув иситиш тизими. Муқобил энергия манбалари	5020	600 000,0	600 000,0	ФТЖ	Халқ таълими бўлими	лойиха-смета ҳужжатлари	
3	1590600065	Ёшлик	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоатсаломатлиги хизматининг Хоразм вилоят бошқармаси Урганч туман бўлим лаборатория иш фоалиятини ривожлантириш.	4783	300 000,0	300 000,0	ФТЖ	СЭОМ ва ЖСХБ Урганч туман бўлими	бошқалар	
4	1590600188	“Оқ ёп”	Урганч туман 1-сон касб-хунар мактаби биносини жорий таъмирлаш.	4702	800 000,0	800 000,0	ФТЖ	Урганч туман 1-сон КХМ	лойиха-смета ҳужжатлари	
5	1590600011	“Оқ ёп”	Урганч туманида жойлашган Беговот оилавий шифокорлик пункти 1984 йилда қурилга, ҳозирги кунда 12 772 аҳолига хизмат кўрсатмокда, лекин бинонинг аҳволи ҳозирги кунда таъмирталаб ва талабга жавоб бермайдиган аҳволга келгани жорий таъмирлаш.	3398	1 000 000,0	1 000 000,0	ФТЖ	Туман тиббиёт бирлашмаси	лойиха-смета ҳужжатлари	
6	1590600040	"Тадқиқотчилар"	Урганч туманидаги 40-сонли мактабни эски типдаги деразаларни янгилаш, мактаб атрофини девор билан ўраш, мактаб атрофига қуёш панелларида ишлайдиган чироқлар ўрнатиш.	3280	800 000,0	800 000,0	ФТЖ	Халқ таълими бўлими	лойиха-смета ҳужжатлари	

7	1590600264	Ёшлик	Урганч туман тиббиёт бирлашмасига қарашли маҳалла тиббий пунктларидаги 14 та контейнерларни жиҳозлаш ва қайта реконструкция қилиш.	2241	1 000 000,0	1 000 000,0	ФТЖ	Туман тиббиёт бирлашмаси	лойиха-смета ҳужжатлари	
Тақсимланмаган маблағ						0,0				

Xalq deputatlari Urganch tuman Kengashining
2022 yil 31 oktabrdagi
VI-67-151-12-173-K/22-son qaroriga
2-ilova

**Урганч тумани бўйича ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига қўра ғолиб бўлган ИД 1590600065 лойиҳани амалга ошириш
бўйича харид қилинадиган товар (хизматлар)**

Реестири (минг сўмда)

№	Товар (хизмат) номи	Сони	Бозор нархи	суммаси
1	ФХ1500Х тутун копкоғи (биологик лабораториялар учун)	1	46 410	46 410
2	Совутувчи функцияли термостат (инкубатор) СПХ-70БИИИ, 70 л	2	13 022	26 044
3	Психрометр	1	4 475	4 475
4	Автоматлаштирилган бугли стерилизатор ВК-75-01 (автоклав)	2	85 034	170 068
5	СЗМ45НТ-2Л Камерали микроскоп стеризоом тринакуляр модели	1	7 900	7 900
6	Ареометр	1	2 100	2 100
7	Гигрометр психрометрик ВИТ-2	1	180	180
8	Қуритиш шкафи ВГЛ-230Б, 230 л	1	13 690	13 690
9	ПХС 3 рақамли стационар пХ ўлчагич	1	3 605	3 605
10	Андронд мониторми тринокуляр микроскоп	1	12 207	12 207
11	Электрон тарози ХУ 600-2С (610 г/0,01 г	1	3 321	3 321
12	Люксметр	1	10 000	10 000
Лойиҳанинг амалга ошириш жами қиймати				300 000,0